



ТАҲЛИЛ:
Маданий
бойликларимиз
қаерда?



KAFOLAT
SULFURTA KOMPANIYASI AJ

Ишонса бўладими?

2019 йил:
Қай бири энг
харидоргир?



ХАЛҚ БОЙ БЎЛСА, ДАВЛАТ ҲАМ БОЙ ВА ҚУДРАТЛИ БЎЛАДИ



Иқтисодий Газета

ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ГАЗЕТАСИ

АНШИЖОН



2020-2021

йиллар давомида қарийб

25 триллион 181 миллиард сўм

Жаҳон банки делегациясининг учрашувлари

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева 16 январь кунини Жаҳон банкининг Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари бўйича миктадавий вице-президенти Сирил Маллер раҳбарлигидаги делегация билан учрашди.

Мулҳотда Ўзбекистоннинг Жаҳон банки билан ҳамкорлиги истиқболлари ҳусусида фикр алмашишди. Миллий иқтисодийётни янада зрқинлаштиришни ҳуқуқий асосларини таъминлаштириш борасида Жаҳон банкнинг янги парламент, жумладан, Олий Мажлис Сенати билан ҳамкорлик қилишига тайёрилик билдирилди.

Давоми 2-бетда

Иқтисодий шайқошларнинг таъсири қарийб

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси томонидан тўпланган қандақ маълумотлар

Ўзбекистонда инфляцияни ҳисоблашнинг қандай усулидан фойдаланилади?

1994 йилдан бошлаб Ўзбекистонда Халқаро валюта жамғармасининг техник ёрдами билан истеъмол нархлари индексларини ҳисоблаш тизими жорий этилган. Дастлаб ҳисоб-китоблар бўйича кузатувдаги товарлар ва хизматлар рўйхати 285 та маҳсулотдан иборат бўлса, бозор талабларидан келиб чиқиб, ушбу рўйхат 2012 йилда 305, 2017 йилда 350, 2018 йилдан эса 386 та тўпламдан иборат бўлди. Кейинги йилларда статистика соҳасидаги туб ислохотлар натижасида келгуси йилдан бошлаб товар ва хизматлар тўплами сонини 500 тагача кенгайтириш кўзда тутилган.

Дунёнинг етакчи мамлакатлари ҳамда Статистика соҳасидаги халқаро ташкилотлар тавсиясига асосан ушбу рўйхатни кенгайтиришдан мақсад – умумий инфляцион кўрсаткич шаклланишида аниқ турдаги товар ва хизматлар таъсири даражасини аниқроқ баҳолашдир. Шу ўринда савол туғилиши табиий: авваллари инфляцияга таъсир қилувчи товарлар ва хизматлар нархлари ўрганилмаганми?

Гап шундаки, бугунги кундаги маҳаллий таснифлагичга асосан, истеъмолдаги товарлар ва хизматлар содда қилиб айтганда "микро" даражадаги гуруҳлар каби шакллантирилган. Масалан, кузатувдаги маҳсулот ўртача нархининг шаклланиши – ушбу турга мансуб

товарларнинг 3-4 хил навлари йиғиндисидан иборат (гуруч, қадоқланган ва қадоқланмаган сут маҳсулотлари, сариёғ, балиқ, қандолат маҳсулотлари, кийим-кечак, оёқ кийим ва ҳоказо). Ваҳоланки, айнан ўша "товар" бўйича ўртача нархларнинг умумий ўзгариши аниқ қайд этилса-да, ушбу ўзгаришдаги катта таъсир айнан қайси нав ҳисобига тўғри келганини ойдинлаштириш талаб этилади.

Яъни, инфляция даражаси кўплаб омилларга, жумладан, товар ва хизматларнинг асосий турлари бўйича нархларнинг ўсишига боғлиқ. Масалага шу жиҳатдан ёндашсак, баъзи турдаги товар ва хизматлар (электр, табиий газ учун тарифлар) нархининг ошиши аввалдан маълум қилинади. Бошқа коммунал тўловлар, шаҳар йўловчи ташиш транспорти, бензин ва ҳоказо) нархларни тартибга солиш эса тегишли ташкилотларга боғлиқ бўлади. Бундан ташқари, айрим ҳолларда алоҳида компанияларнинг нархнаво сиёсати (бу, биринчи навбатда, мобиль алоқа ҳамда интернет, ҳаво ва темир йўл транспорти хизматлари), шунингдек, импорт қилинадиган товарлар нархи таъсир қилса, айримлари истеъмол секторидаги сотувчи-тадбиркорларнинг савдо маданиятига ҳам боғлиқ эканини эътиборга олиш зарур.

Айни пайтда ушбу



соҳада амалга оширилаётган ислохотлар туфайли нархларни рўйхатга олиш жараёнида замонавийлаштириш, шу билан бирга, "инсон омили" сабаб вужудга келиши мумкин бўлган хатоликларни самарали бартираф этиш мақсадида янги электрон дастурлар ва қурилмалардан (планшетлардан) кенг фойдаланилмоқда. Бу эса ўз навбатида иш самарадорлиги ҳамда тезкорлигига, ортиқча сарф-харажатлар қисқартирилишига ижобий таъсир кўрсатади. Ўтган йилнинг ноябрь ойида мамлакатимизнинг 14 та ҳудудларидан (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар) 8 та ҳудудида мазкур тадбирлар амалиётга жорий қилинди. Йил охиригача эса қолган барча ҳудудларда ушбу тизим ишлай бошлади.

Бундан ташқари, озиқ-овқат хавфсизлигини

таъминлаш масалалари бўйича ишлаб чиқилган бир қатор чора-тадбирлар ижроси юзасидан барча шаҳар ва туманлар кесимида асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари нархи бўйича мониторинг ўтказилапти. Зеро, ушбу маълумотлар мутасадди вазирлик ва идоралар томонидан нархларнинг асоссиз қимматлашининг олдини олиш бўйича аниқ амалий тадбирлар ишлаб чиқишга хизмат қилади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, инфляция кўп қиррали ҳодисадир. Шунинг учун унинг олдини олишда юқорида баён этилган чора-тадбирларни амалиётга тўғри тадбиқ этиш мақсадга мувофиқдир.

Мухтор УМАРОВ,
Нархлар статистикаси
бошқармаси бошлиғи,
Усмон АБДУРАСУЛОВ,
Ахборот хизмати
раҳбари

Қай бири энг харидоргир?

Ўтган йилнинг январь– декабрь ойларида 51 824 та «Damas» автомобили (ўсиш суръати 149,7 фоиз) ишлаб чиқарилган бўлса, «Gentra» модели 44 508 дона (ўсиш суръати 133,6 фоиз), «Spark» 24 249 дона (ўсиш суръати 83,4 фоиз), «Lambo» 7 288 дона (ўсиш суръати 98,7 фоиз) ҳамда «Tracker» русуми 7 930 дона ишлаб чиқарилган.

Шунингдек, ўтган йилнинг январь – декабрь ойларида энг харидоргир модел сифатида «Nexia-3» автомобили танланди. «UzAuto Motors» мазкур русумдаги автомобилдан йил давомида 73 151 дона ишлаб чиқарди. Бу эса 2018 йилга нисбатан йилнинг мос даврига қараганда 123,3 фоизга ошганини кўрсатади. Қолаверса 2019 йилнинг январь – декабрь ойларида 56 211 дона «Cobalt» автомобили ишлаб чиқарилди. Бу кўрсаткич 2018 йилнинг мос даврига нисбатан 149,4 фоизга ошганини кўрсатади.

Давлат статистика қўмитаси маълумотига кўра, 2019 йилнинг январь – декабрь ойларида 5 944 дона «Malibu» (ўсиш суръати 89,7 фоиз) автомобили ишлаб чиқарилган.

